

“Yo’l loyiha expertiza”

unitar korxonasi

U S T A V I

I. Умумий қоидалар

1. “Йўл лойиҳа экспертиза” унитар корхонаси (кейинги ўринларда – “Корхона”) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2776-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда - “Муассис”) ташкилий тузилмасига киритилган.

2. Муассиснинг 2017 йил 29 марта 08-сонли буйруғига асосан “Йўл лойиҳа экспертиза” давлат корхонаси – “Йўл лойиҳа экспертиза” унитар корхонаси этиб қайта номланган.

“Йўл лойиҳа экспертиза” унитар корхонаси “Йўл лойиҳа экспертиза” давлат корхонасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Корхонанинг тўлиқ номи:

ўзбек тилида - “Йўл лойиҳа экспертиза” унитар корхонаси (қисқартмаси - “Йўл лойиҳа экспертиза” УК);

рус тилида - Унитарное предприятие “Дорпроектэкспертиза” (қисқартмаси – УП “Дорпроектэкспертиза”).

4. Корхона давлат рўйхатидан ўтказилган қундан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади ва унинг фаолият муддати чекланмаган.

5. “Йўл лойиҳа экспертиза” унитар корхонаси Муассиснинг унитар корхонаси ҳисобланади.

6. Корхона ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Муассиснинг қарорлари, фармойишлари ва буйруқларига, мазкур Уставга ҳамда соҳага оид бошқа қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширади.

7. Корхона ўз фаолиятини хўжалик ҳисоби асосида амалга оширади ва бевосита Муассисга бўйсунади.

8. Корхона Уставига ўзгартиришлар Муассиснинг қарорига кўра киритилади ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

9. Корхона Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ўз номи давлат тилида ёзилган бланкаларга, думалоқ мухрға, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банқда ҳисоб рақамларига, шунингдек хорижий валюта ҳисоб рақамига эга бўлади.

10. Корхона қонун ҳужжатларида белгилантан тартибда ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳукуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

11. Корхона давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас.

12. Корхонанинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Катта Дархон 2-тор кўчаси, 5-уй.

II. Корхонанинг мақсади, вазифалари ва асосий функциялари

13. Корхонанинг асосий мақсади – автомобиль йўллари, кўприклар, йўл ўтказгичлар, тоннеллар, сунъий иншоотлар, аэродромлар, саноат корхоналари (АБЗ, АБЦ, ЦБЗ, ДСЛ, ДСЗ, ТБЗ, техник хизмат кўрсатиш станциялари), ишлаб чиқариш, фуқаро ва коммунал бино ва иншоотларини, буюртмачи қайси идорага қарашли эканлигидан, мулк тури ва шаклидан қатъий назар, қуриш, қайта қуриш, мукаммал, жорий таъмирлаш ёки техник янгилаш бўйича ишчи лойиҳалар, лойиҳа ҳужжатлари, техник-иктисодий ҳисоб-китоблар, инвестицион лойиҳаларни буюртмачи ташкилотлар билан шартнома асосида экспертизадан ўтказиш, шунингдек, лойиҳаларда конструктив ишончлилик, ёнғин ва портлаш хавфсизлиги, эксплуатация, экологик талабларга риоя қилинганинги, барча турдаги ресурслардан рационал ва тежамли фойдаланганинги, лойиҳавий ечимлар, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мослигини лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида республикамиз ва жаҳоннинг илғор ютуқлари ҳисобга олинганинги экспертизадан ўтказиш ҳисобланади.

Шунингдек, автомобиль йўллари ва муҳандислик иншоотлари соҳасида ўрта ва узок муддатли дастурлар тузиш, Республика бўйича автомобиль йўллари ва кўприклар бўйича банк маълумотларини шакллантириш, автомобиль йўлларидағи табиий оғатларни олдини олиш ва бартараф этиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш, ҳалқаро тажрибаларни ўрганиш ва соҳага тадбиқ этиш, ёш мутахассисларни ва соҳада ишлаб келаётган инженер-техник ходимларни малакасини ошириш, илмий-амалий изланишлар, ахолига майший ва инженерлик хизматлар ва бошқа соҳага таълуқли ишларни амалга ошириш Корхонанинг мақсади ҳисобланади.

14. Қуйидагилар Корхонанинг асосий вазифалари ҳисобланади:

–маблағлардан фойдаланиш йўналишларини асослаш мақсадида йўл ишларининг турлари ва таркиби, автомобиль йўллари қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари объектларини техник иқтисодий асослаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;

–ўрнатилган тартибда инвестиция лойиҳаларининг ТИА (ТИХ) ва ишчи лойиҳаларни, шунингдек автомобиль йўлларини ва улардаги муҳандислик

иншоотларини лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш ва экспертиза хулосаларини бериш;

–автомобиль йўллари соҳасида ягона экспертиза сиёсатини амалга оширишда иштирок этиш;

–туман режалаштириш лойиҳалари, шаҳарларнинг бош режалари, режалаштириш ва қурилиш, ҳамда бошқа режалаштириш ҳужжатларининг автомобиль йўллари, кўприк, йўл ўтказгичлар ва йўл иншоотларига оид қисмини қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мослигини экспертизадан ўтказиш;

–автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган концепция ва дастурларни экспертизадан ўтказиш;

–автомобиль йўллари соҳасида бажариладиган илмий-тадқиқот, тажрибасинов, лойиҳалаш, муҳандислик-қидирув, геодезия ишларини экспертизадан ўтказиш;

–автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишларини экспертизадан ўтказишга оид илмий асосланган техник меъёрларни ишлаб чиқишида қатнашиш;

–аэродромлар қурилиши ва қайта қуриш ишлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш;

–автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга оширишда қатнашиш;

–автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва сақлаш масалаларида экспертиза фаолияти бўйича ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтиришда қатнашиш;

–автомобиль йўлларида муҳандислик иншоатларни, яъни кўприк, йўл ўтказгич (путепровод), тоннел, ҳар хилдаги сув ўтказиш ва бошқа иншоотларни ҳолатини таҳлил қилиш, таклифлар тайёрлаш, ҳамда муҳандислик иншоотлар паспортларини тузиш;

–автомобиль йўллари ва муҳандислик иншоотларида фавқулотда содир бўлган ҳолатларни олдини олиш (сел, қор қўчиши, ер қўчишлари) ва бартараф этиш бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш;

–умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллардан ўта оғир ҳамда меъёрлардан ошган ҳажм ва ўлчамдаги юкларга эга бўлган автотранспорт воситаларини ҳаракатланишини республика бўйича ўтказиш ва рухсатномаларни расмийлаштириш;

–автомобиль йўлларига оид статистик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш, прогнозлаштириш, йўл инфратузилмасини узоқ муддатга режалаштиришни мувофиқлаштириш;

–фавқулотда ҳолат юз берганда автомобиль йўллари ва кўприк иншоотларини тиклаш бўйича дастурларни тузиш;

–ўрта муддатли ва узоқ муддатли дастурларни ҳамда республика автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича алоҳида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

–ўрнатилган тартибда Муассиснинг хориждаги фаолиятини юритишда иштирок этиш, техник-маслаҳат хизмат қўрсатиш ва фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этиш;

- қурилишда мұхандислик фаолияти;
- автомобиль йўллари ва ундағы иншоотларни хисобга олиш, баҳолаш ва мониторинг учун уларни соҳавий кадастрларини яратиш ва олиб бориш;
- йўл-транспорт коммуникацияларини ўта муҳим объектларини паспортларини тайёрлаш;
- ҳалқаро талаблар даражасидаги автомобиль йўллари ва барча иншоотлар бўйича ҳамда транспорт соҳалари учун кенг қамровли мутахассисларни қайта тайёрлаш;
- мутахассислар тайёрлаш ва йўл соҳасининг моддий-техник базасини ривожлантириш мақсадида чет эл фирма ва компанияларини ўрнатилган тартибда жалб қилиш;
- йўл қурилишида ишлатиладиган янги материаллар ва технологияларни жорий қилиш бўйича тажриба лойиҳаларини амалга ошириш;
- автомобиль йўллари соҳасига оид барча турдаги изланишлар ва илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- амалдаги қонунчилик асосида йўл соҳасининг таъкиқланмаган консалтинг, агентлик, ваколатлик, консигнацион, дилерлик каби ишларни бажариш ҳамда маркетинг, сервис, транспорт, реклама ва бошқа фаолиятларини амалга ошириш;
- қуриладиган объектларда техник назоратни амалга ошириш;
- йўл соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш, тажриба алмашиб ишларини амалга ошириш;
- хорижий давлатлар мутахассисларини (амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда) тажриба алмашибга, маъruzалар ўқишига ва вақтинча ишлашга таклиф этиш;
- ўқув базасини ташкил қилиш билан мутахассисларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш;
- маслаҳат хизматларини кўрсатиш;
- хорижлик мутахассисларни ўрнатилган тартибда таклиф қилган ҳолда илмий-назарий-амалий конференциялар, семинарлар ташкил қилиш ва ўтказиш;
- аҳолига майший хизматларнинг барча турларини кўрсатиш;
- меҳмонхона хизматлари;
- илмий-амалий изланишлар, илмий ишлар ва бошқа ишланмаларни, янги технологияларни, “ноу-хау”ларни яратиш, сотиб олиш ва сотиш, ҳамда уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш;
- хайрия ва ҳомийлик фаолияти (Муассис билан келишилган ҳолда);
- белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият;
- автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлаш учун маблағлар сарфини мунтазам таҳлилини олиб бориш;
- автомобиль йўллари ва мінтақавий йўлларни қуриш, таъмирлаш ишларига лойиҳа – харажат ҳужжатларини тайёрлаш;
- қўприклар қурилиши ва таъмирлаш ишларига лойиҳа – харажат ҳужжатларини тайёрлаш;
- шағал, қум, асфальт, оҳак, темир-бетон маҳсулотлари ва бошқа қурилиш ҳамда йўл қурилиши маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

- нефть маҳсулотларини қайта ишлаш, улгуржи ва чакана савдони ўрнатилган тартибда ташкил қилиш ва уюштириш;
- типография, полиграфия хизматларини жорий этиш, техник йўриқномалар ва журналлар чоп этиш;
- Марказий Осиё республикалари инфратузилмалирининг турли секторларида консалтинг хизматларини амалга ошириш, шу жумладан: автомобиль йўллари инжинииринги, қурилиш инжинииринги, аэропортлар инжинииринги, оқар сувлар инжинииринги, темир йўллар инжинииринги, шаҳар, миллий ва халқаро транспортни режалаштириш, лойиҳалаштириш ва қуриш ишларида иштирок этиш;
- йўл қурилиш техникаларини, автомашиналарини йиғиш ва сотиш, ҳамда таъмирлаш;
- йўл қурилиш техникалари учун мутахассисларни тайёрлаш ва ўқитиш, қайта тайёрлаш;
- иккиламчи хом-ашёни қайта ишлаш;
- қурилиш маҳсулотлари ва нефть маҳсулотлари чиқиндиларидан автомобиль йўлларини қуришда фойдаланиш;
- иқтидорли ёшларга, қобилиятли кишиларга, санъаткор ва спортчиларга ҳомийлик қилиш (Муассис билан келишилган ҳолда);
- ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш;
- фойда олиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги доирасида бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш.

15. Юкланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда Корхона қуидаги функцияларни бажаради:

- автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари обьектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади, экспертизадан ўтказади ва экспертиза хулосаларини беради;
- ўрнатилган тартибда инвестиция лойиҳаларининг ТИА (ТИХ) ва ишчи лойиҳаларни, шунингдек автомобиль йўлларини ва улардаги муҳандислик иншоотларини лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш лойиҳаларини экспертизадан ўтказади ва экспертиза хулосаларини беради;
- автомобиль йўллари соҳасида илмий тадқиқот, тажриба-синов, лойиҳалаш, муҳандислик-қидирув, геодезия ишларини экспертизадан ўтказишни амалга оширади;
- автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепция ва дастурлари лойиҳаларини экспертизадан ўтказади;
- мувофиқлаштирувчи, илмий, илмий-техник, ишлаб чиқариш-техник, илмий-маслаҳат, техник-экспертиза ва бошқа кенгашларни Муассис билан келишилган ҳолда тузади;
- тармоқ экспертизаси муаммолари бўйича илмий мунозаралар, конференциялар ва симпозиумлар ташкил этади;
- автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш ишларини экспертизадан ўтказишга оид илмий асосланган техник меъёрларни ишлаб чиқишида қатнашади;

–автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш меъёрлари ва стандартларига риоя этилиши устидан экспертиза назоратини амалга оширади;

–йўл хўжалиги соҳасида инвестиция дастурларини амалга оширишда экспертиза хизматини амалга оширади;

–автомобиль йўлларида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича дастурлар, лойиҳалар, хужжатлар ва таклифлар ишлаб чиқишда қатнашади ва улар бўйича экспертиза хулосаларини тайёрлайди;

–автомобиль йўлларида экспертиза ишлари билан боғлиқ барча маълумотлар банкини шакллантиради ва юритади;

–автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш сифатини экспертиза нуқтаи назаридан баҳолашда қатнашади;

–автомобиль йўллари ва айрим йўл иншоотларини кўриқлаш, сокчилик ва ёнгин муҳофазаси, сафарбарлик заҳираларини барпо этиш бўйича бажарилган лойиҳаларни экспертизадан ўтказади;

–йўл ишларида экспертиза назоратини амалга оширади;

–автомобиль йўллари ва йўл иншоотларини сақлаш бўйича яратилган мураккаб муҳандислик ва илмий-техник ишланмаларни экспертизадан ўтказади;

–автомобиль йўлларини эстетик ва меъморий безаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида олиб борилган изланишлар бўйича экспертиза хулосаларини тайёрлайди;

–автомобиль йўлларида фавқулодда содир бўладиган ҳолатларни олдини олиш бўйича тайёрланган лойиҳа ва техник-муҳандислик таклифларни экспертизадан ўтказади;

–аэродромлар қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш, сақлаш ва лойиҳалаш бўйича юридик ва жисмоний шахсларга илмий-техник ва экспертиза хизматларини кўрсатади;

–автомобиль йўллари соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини амалга оширишда қатнашади;

–автомобиль йўлларини қуриш, таъмирлаш ва сақлаш масалаларида экспертиза фаолияти бўйича халқаро ҳамкорликни кенгайтиришда қатнашади;

–хорижий илмий-тадқиқот, лойиҳа, консультатив, экспертиза ва ўқув марказлари, олимлар ва мутахассислар билан илмий-амалий алоқаларни шартнома асосида ривожлантиради ва мустаҳкамлайди;

–ўрнатилган тартибда халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ахборотлар алмашади;

–автомобиль йўллари соҳасига оид халқаро миқёсдаги меъёрий хужжатлар, таркибий тузилмалар, муҳандислик, иқтисодий ва молиявий таъминот асосларини ўрганиш ва маҳаллий шароитларда тадбиқ этиш бўйича таклифлар киритади;

–ўрнатилган тартибда хорижий грантлар ва инвестицияларни автомобиль йўллари соҳасига жалб этишда қатнашади;

–автомобиль йўллари соҳаси бўйича ўқув-методик хужжатлар тайёрлаш, ахборот-ноширлик, консалтинг, инженеринг, воситачилик ва бошқа хизматларни бажаради;

- автомобиль йўлларини қуриш, қайта қуриш ва таъмирлаш ишларига танлов ҳужжатларини тайёрлайди, танлов савдоларини ўтказади;
- ташқи иқтисодий фаолият юритади;
- амалдаги қонунчилик билан таъкиқланмаган бошқа фаолиятларни амалга оширади.

16. Лицензия ёки маҳсус рухсат талаб қилинадиган фаолият турлари, ўрнатилган тартибда лицензия ёки маҳсус рухсат олингандан сўнг амалга оширилади.

III. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Муассис қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳукуқларга эга:

Корхона фаолиятининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, турларини белгилаш;

Корхона Уставини тасдиқлаш, унга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш;

Корхона директорини тайинлаш, у билан меҳнат шартномасини тузиш ва тузилган меҳнат шартномасини белгиланган тартибда муддатидан олдин бекор қилиш;

Корхонани қайта ташкил этиш ва (ёки) тугатиш, номини ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Корхона мулкига оид битишувларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Корхонанинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкини белгиланган тартибда олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

Корхона соғ фойдасини тасарруф этиш ва уни сарфлаш йўналишларини белгилаш;

Корхонага етказилган заарларни ундириш тўғрисида Корхона директорига нисбатан даъво тақдим этиш;

Муассис томонидан Корхонага берилган мулк ҳисобидан фойдаланишдан тушган соғ фойданинг бир қисмини ёки ҳаммасини олиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

18. Муассис қуйидагиларга мажбур:

Корхона директорини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ директор билан меҳнат шартномасини тузиш;

Корхонага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

IV. Корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳукуқларга эга:

Республика йўл хўжалиги фаолиятидаги барча масалалар бўйича тегишли давлат бошқарув идораларига таклифлар, фикр-мулоҳазалар киритиш; ишлаб чиқаришнинг моддий-техник таъминоти масалаларини мустақил ҳал қилиш;

аниқ иш турларининг ижрочисини танлаш;

мехнат унумдорлигини ошиши ва ишларнинг сифатини таъминлайдиган меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли шаклларини қўллаш;

мехнат жамоасининг ижтимоий ривожи масалаларини ҳал килиш;

белгиланган тартибда банклардан турли кредитлар олиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига назарда тутилган барча ҳукуқ ва имтиёзлардан фойдаланиш.

20. Корхона директори Корхонанинг якка ижро этувчи органи ҳисобланади ва Корхона олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, Корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди. Корхона номидан битимлар тузади ва уларни белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминлайди, ходимларни ишга қабул қиласди, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қиласди, буйруқлар чиқаради, шунингдек қонун хужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради.

21. Корхона директори Корхонага юклатилган вазифа ва мажбуриятларга мувофиқ Корхона фаолияти ташкил этилиши учун шахсан жавоб беради.

22. Корхона бошқарув ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг лавозим тариф разрядлари Корхона директори томонидан Муассис билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

23. Корхона директори Муассис олдида Корхона Уставида белгиланган тартибда Корхона фаолияти тўғрисида ҳисоб беради.

24. Корхона директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Корхона манфаатларини қўзлаб ҳаракат қиласди ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг қондирилиши, ишлаб чиқариш фаолияти билан бевосита боғлик бўлган эҳтиёжлар учун пул маблағларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли, шу жумладан Корхонага берилган мулк йўқолган тақдирда, Корхонага етказилган заарлар учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Корхона қуидагиларга мажбур:

Корхонага берилган мулкдан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига қатъий равища риоя қилиш.

V. Корхонанинг устав фонди

26. Корхонанинг устав фонди 263 640 058 (икки юз олтмиш уч миллион олти юз қирқ минг эллик саккиз) сўм миқдоридаги асосий воситалардан ташкил топган ва тўлиқ шакллантирилган.

27. Корхонанинг устав фонди Муассиснинг қарорига мувофик кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин. Устав фондининг кўпайтирилганлиги ёки камайтирилганлиги Корхона уставига бу ҳақда тегишли ўзгартириш киритилиб, ушбу ўзгартиришлар Муассис томонидан тасдиқланган ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин кучга **киради**.

28. Корхонанинг устав фондини кўпайтириш Муассиснинг қўшимча улушлари ҳисобидан ёки Корхона соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Корхона устав фондини Корхона соф фойдаси ҳисобидан кўпайтириш тўғрисида қарор Корхонанинг ушбу қарор қабул қилинадиган йилдан олдинги йилги бухгалтерия ҳисоботи маълумотларига асосан қабул қилинади. Корхона устав фондини камайтириш Муассис қарорига асосан амалга оширилади.

29. Корхона мулки давлат мулки ҳисобланади, ҳамда:

Муассис томонидан Корхонага бириктирилган (берилган) мулк;
Корхонанинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;
қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбаалар ҳисобига шакллантирилади.

Корхона мулкининг қиймати унинг мустақил балансида акс эттирилади.

30. Корхона мулки бўлинмас мулк ҳисобланади.

31. Корхона мулкини тасарруф этиш қуидаги ҳолларда Корхонанинг директори томонидан фақат Муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни балансдан чиқариш, сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;
мулкни бошқа хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;
хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;
хўжалик жамиятларидаги Корхонага тегишли акциялар (улушлар)ни сотиш;

мулкни Корхона фаолияти мақсадларига мувофик бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

VI. Корхонанинг фойдаси

32. Бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга барча солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Корхона ҳисобида қоладиган соф фойда унинг ихтиёрида қолади.

33. Корхона соф фойдасини тасарруф этиш Муассис билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

34. Корхона ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига Муассиснинг розилиги билан захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

35. Муассис билан келишилган ҳолда Корхонада ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ишлаб чиқаришга

янги технологияларни жорий этиш ҳамда ижтимоий мақсадларда фондлар ташкил этилиши мумкин.

36. Корхона Муассиснинг марказлашган жамғармасига соф фойдаси ҳисобидан тўловларни тўлашни ўрнатилган тартибда ташкил қиласди.

VII. Корхонанинг жавобгарлиги

37. Корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Корхона Муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Муассис Корхонанинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

VIII. Корхона фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш

38. Корхонани Муассис томонидан ўрнатилган тартибда тайинланган директор бошқаради. Корхонанинг директор ўринбосари, бош муҳандиси ва бош ҳисобчиси Муассис билан келишилган ҳолда Корхона директори томонидан тайинланади.

39. Корхона ҳисбот даври тугагач, ваколатли органларга молиявий ҳисботни ва рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

40. Корхона ҳисбот даври (чораклик, йиллик) якуни бўйича Муассисга ўрнатилган тартибда баланс ҳисботларини (молия, бухгалтерия, статистик ва бошқа ҳисботлар) топширади.

41. Корхона фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

IX. Корхонани қайта ташкил этиш ва тугатиш

42. Корхона Муассис қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

X. Якуний қоидалар

43 Ушбу Уставда тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

44. Ушбу Устав қонунга мувофиқ рўйҳатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.